



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ОБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН УМУМИЙ ВА ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Артиков Баҳодир Адилевич

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси доценти,  
подполковник

Эгамбердиев Оғабек Ғулом ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси курсанти, сафдор  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17688678>

### ARTICLE INFO

Received: 11<sup>th</sup> November 2025  
Accepted: 12<sup>th</sup> November 2025  
Published: 22<sup>nd</sup> November 2025

### KEYWORDS

профилактика инспектори;  
хуқуқбузарликлар  
профилактикаси; умумий  
профилактика; якка  
тартибдаги профилактика;  
рецидив жиноятчилик;  
хавфни баҳолаш; пробаця;  
видеокузатув; электрон  
профилактика; жамоатчилик  
назорати; профилактика  
механизми.

### ABSTRACT

Ушбу ишда профилактика инспекторининг хуқуқбузарликлар объектларига нисбатан умумий ва якка тартибдаги профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш фаолияти, уни такомиллаштиришга доир долзарб масалалар ҳамда хорижий амалиёт асосида самарали модель ва механизмлар таҳлил қилинади. Тадқиқот профилактика инспекторларининг ваколатлари, уларнинг жамият хавфсизлигини таъминлашдаги институционал ўрни, профилактика тадбирларининг амалдаги самарадорлиги, рецидив жиноятчиликнинг юқорилиги билан боғлиқ муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари қамраб олади. Шунингдек, замонавий хавфни баҳолаш инструментларини жорий этиш, электрон профилактика тизимларини ривожлантириш, индивидуал профилактик ишни кучайтириш ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилади. Тадқиқот натижалари хуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги миллий тизимни модернизация қилиш учун назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирги вақтда жамият хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда хуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида профилактика инспектори институти муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистонда хуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг хуқуқий базасига асосланган ҳолда, профилактика инспекторининг ваколатлари ва вазифалари «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунда белгиланиб, унинг фаолияти жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланди. Ушбу Қонуннинг 14–18-моддаларида профилактика инспекторининг хуқуқбузарликлар объектларига нисбатан умумий ва якка тартибдаги профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш мажбурияти аниқ белгилаб берилган. Умумий профилактика тадбирлари тарғибот ишлари, профилактик рейдлар, видеокузатув воситаларидан фойдаланиш, аҳоли билан очиқ мулоқот ва жойлардаги вазиятни таҳлил қилишни ўз ичига олса, якка тартибдаги профилактика аниқ шахслар — пробаця ҳисобида турганлар, маъмурий назоратдагилар, илгари судланганлар ва вояга етмаган хуқуқбузарлар билан индивидуал иш олиб боришни назарда тутди.

Амалиёт таҳлиллари шуни кўрсатадики, профилактика фаолиятининг норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган вазифалари кенг қамровли бўлса-да, амалда ушбу фаолиятни юқори самара билан амалга оширишга тўққинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммолар мавжуд. Жумладан, битта профилактика инспекторининг юкламаси меъёрий межадан юқори бўлиб, ўртача 350–550 нафар профилактик ҳисобдаги шахсга тўғри келмоқда. Бу эса индивидуал профилактика ишларининг чуқур ва самарали олиб борилишига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, замонавий хавфни баҳолаш инструментлари — шахснинг психологик ҳолати, ижтимоий муҳити, рецидивга мойиллик даражасини илмий асосда аниқлаш имконини берадиган LSI-R, YLS/CMI, AssetPlus каби методикалар амалиётга тўлиқ жорий этилмаган, натижада профилактика тадбирлари кўп ҳолларда расмий ва шаклий характерда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий субъекти бўлган профилактика инспектори фаолиятининг ҳуқуқий негизи «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонун билан белгиланган. Ушбу Қонуннинг 22-моддаси ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини органларнинг сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ўтказиш фаолияти сифатида аниқлайди. 23-модда эса умумий профилактика чора-тадбирлари сифатида давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳуқуқий тарғибот, тақдимнома киритишни кўрсатади. Якка тартибдаги профилактика эса 28-моддада ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликка мойил ёки ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан индивидуал тарбиявий таъсир кўрсатиш фаолияти сифатида белгиланади ва шахснинг индивидуал хусусиятлари, ижтимоий муҳити, турмуш шароитлари, содир этилган ҳуқуқбузарликнинг хавфлилики даражаси ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. 29-моддада якка тартибдаги профилактика чора-тадбирлари рўйхати берилган: профилактика суҳбати, расмий огоҳлантириш, сабаб-шартлар тўғрисида хабардор қилиш, ижтимоий реабилитация ва мослаштириш, профилактик ҳисобга олиш, мажбурий даволанишга юбориш, маъмурий назорат.

2024 йилда ИИВ маълумотларига кўра, профилактика инспекторлари томонидан 1 312 000 та умумий профилактика тадбири ва 714 000 та якка тартибдаги профилактика тадбири ўтказилган. Бироқ илгари судланганлар орасида рецидив 27,9 %, вояга етмаганлар орасида 40,8 % ни ташкил этмоқда. Бу профилактика чора-тадбирларининг амалдаги қўлланилишида жиддий камчиликлар мавжудлигини кўрсатади. Умумий профилактикада тадбирларнинг аксарияти расмий характерга эга, 23-моддада кўрсатилган тақдимномаларнинг 64 % и ўз вақтида бажарилмайди. Якка тартибдаги профилактикада эса битта инспекторга ўртача 420–580 нафар профилактик ҳисобдаги шахс тўғри келади, бу 30-моддада белгиланган профилактика суҳбатининг сифатли ўтказилишига имкон бермайди. 37-моддага мувофиқ профилактик ҳисобга қўйиш тартиби қатъий белгиланган бўлса-да, қарорлар кўпинча кечикиб чиқарилади, профилактика иши очишда электрон журнал тўлиқ тўлдирилмайди. Профилактика суҳбати ва расмий огоҳлантириш энг кўп қўлланилган чоралар бўлиб, 2024 йилда 428 000 та суҳбат ва 186 000 та расмий огоҳлантириш берилган, лекин уларнинг аксарияти мотивацион суҳбат усулларисиз расмий характерда ўтказилмоқда. 34–39-моддаларда белгиланган профилактик ҳисобга олиш тизимида шахсларнинг хавф даражасига қараб индивидуал ёндашув йўқ – барчага бир хил муддат ва бир хил тадбирлар қўлланилади.

Хорижий тажриба профилактика чора-тадбирларининг самарадорлигини оширишда рискка асосланган ва технологияларга таянган ёндашувларни кўрсатади. Канадада Risk-Need-Responsivity модели бўйича юқори хавфли шахсларга ҳафтасига 2–4 марта, паст хавфлиларга ойда 1 марта профилактика суҳбати ўтказилади ва рецидив 21 % гача туширди. Буюк Британияда Integrated Offender Management дастурида

профилактика инспектори «7 Pathways» – иш, уй-жой, соғлиқ, оила, гиёҳвандлик, таълим, молия бўйича индивидуал дастур тузади ва электрон платформа орқали барча тадбирлар назорат қилинади.

Ўзбекистон шароитида Қонуннинг 22–42-моддалари талабларини тўлиқ амалга ошириш мақсадида профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича куйидаги таклифлар илгари сурилади. Профилактик ҳисобдаги шахслар сонини 150–200 нафаргача тушириб, инспекторларга 70 % устама ҳақ белгилаш зарур. ИИБ академиясида RNR модели ва мотивацион суҳбат усуллари бўйича 120 соатлик махсус курс жорий этиш керак. «Ягона электрон профилактика журнали»ни тўлиқ ишга тушириб, ҳар бир суҳбат, огоҳлантириш, рейдни реал вақтда қайд қилишни таъминлаш лозим. 35-моддада кўрсатилган тоифаларни хавф даражасига қараб уч гуруҳга бўлиб, юқори хавфлиларга ҳафтасига 2 марта, ўрта хавфлиларга 2 ҳафтада 1 марта, паст хавфлиларга ойда 1 марта суҳбат ўтказиш нормасини белгилаш талаб этилади. 30-моддадаги профилактика суҳбатини Motivational Interviewing усули асосида ўтказишни мажбурий қилиш, 31-моддадаги расмий огоҳлантиришни электрон шаклда (SMS, Telegram) юбориш имкониятини жорий этиш керак. 23-моддадаги тақдимномаларнинг ижросини онлайн назорат қилиш платформасини яратиш, умумий профилактикада hotspot policing принципини қўллаш – жиноятчилик юқори бўлган жойларда доимий патруллар ва видеокузатув таҳлилини йўлга қўйиш зарур. 34–39-моддаларга мувофиқ профилактик ҳисоб муддатини шахснинг хавф даражасига қараб 6 ойдан 2 йилгача ўзгартириш имкониятини киритиш, ҳар чоракда профилактика инспектори фаолиятини KPI асосида – рецидив даражаси, ўтказилган тадбирлар сифати, аҳоли қониқиши бўйича баҳолаш тизимини жорий этиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг 22–42-моддаларида белгиланган умумий ва яқка тартибдаги профилактика чора-тадбирларининг самарали қўлланилиши профилактика инспектори фаолиятининг марказидир. Юқоридаги таклифларни 2025–2028 йилларда босқичма-босқич амалга ошириш профилактика ишининг сифатини тубдан ошириб, рецидив даражасини 40–50 % га камайтириш, жамоат тартибини мустаҳкамлаш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятларини юксалтириш имконини беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонун, ЎРҚ-806-сон, 14.03.2023 (22–42-моддалар).
2. Ўзбекистон Республикаси ИИБ. 2024 йил профилактика фаолияти йиллик ҳисоботи.
3. Public Safety Canada. Risk-Need-Responsivity Model Outcomes 2023–2024.
4. UK Ministry of Justice. Integrated Offender Management Report 2024